



26

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

1995 йил 4 мая

№ 94-Қ

Самарқанд шаҳар ҳокимиятига  
сигарет фабрикасини қуриш учун  
ер майдонини ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20  
июндаги 309 рақамли қарорига асосан Жомбой туман ҳокимининг шу тўғ-  
рида қабул қилган 1995 йил 6 апрелдаги 182-қ рақамли қарорини кўриб  
чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жомбой туман ҳокимининг 1995 йил 6 апрелдаги 182-қ рақамли  
"Самарқанд шаҳар ҳокимиятига сигарет фабрикасини қуриш учун ер майдони-  
ни ажратиш ҳақида"ги қарори тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорга асосан жами 25 гектар шундан: "Дўстлик" жа-  
моа хўжалигидан 21,2 гектар, жумладан сугориб ҳайдаладиган ер – 20  
гектар, ариқлар 1,2 гектар, Жомбой туман бўрдоқчилик гўшт тайёрлаш  
идораси тасаруфидаги ердан 1,4 гектар, шундан: 1 гектари боғ, 0,4  
гектари иморатлар ўрни, "Деҳқон" фермер хўжалигининг 2,4 гектар ери  
шундан: 2,34 гектари сугориб ҳайдаладиган ер, 0,06 гектар иморатлар  
ўрнидаги ерлар ажратилсин.

3. Самарқанд шаҳар ҳокимиятига сигарет фабрикасини қуриш дав-  
рида бузиладиган иморатлар ва қишлоқ хўжалик экинлари учун жами  
7429067 сўм шундан: "Дўстлик" жамоа хўжалигининг ҳисобига 470772 сўм,  
Жомбой туман бўрдоқчилик гўшт тайёрлаш идорасининг ҳисобига 6371800  
сўм, "Деҳқон" фермер хўжалигининг ҳисобига 586495 сўм миқдорида пул  
ўтказиш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15  
июндаги 282 рақамли, 1993 йил II декабрдаги 595 рақамли қарорларига  
асосан Самарқанд шаҳар ҳокимиятига ажратилаётган 61 балли ерни қиш-  
лоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмлари ўрнини қоплаш  
учун вилоят ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш Давлат ин-  
спекцияси ҳисобига 372856 сўм миқдорида пул ўтказиш топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг  
ўринбосари А. Қаландаровга топширилсин.

Вилоят ҳокими

П. Абдураҳмонов